

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 02/30.01.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОҲИР ХУСАНОВИЧ НОРКОБИЛОВ

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ
ТАРИХШУНОСЛИГИ**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик
ва тарихий тадқиқот усуллари**

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Тохир Хусанович Норқобилов

Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври

тарихшунослиги 3

Тохир Хусанович Норқобилов

Историография эпохи бронзы и раннего железа

Южного Узбекистана 27

Tokhir Khusanovich Norkobilov

Historiography of the Bronze and Early Iron Age of

Southern Uzbekistan 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 02/30.01.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОҲИР ХУСАНОВИЧ НОРКОБИЛОВ

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ
ТАРИХШУНОСЛИГИ**

07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Таг73 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fati.uz) ва "ZiyoNET" (www.ziynet.uz) ахборот-таълим порталига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Анатолий Сагдуллаевич Сагдуллаев
тарих фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Алишер Худайбердиевич Дониёров
тарих фанлари доктори, профессор

Дилмурод Рахматуллаевич Нормуродов
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Таг.56.01. рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил "09" сентябр соат 14:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (~~17~~ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил "26" август куни тарқатилди.
(2022 йил "26" августдаги №10-рақамли реестр баённомаси)



Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори, профессор

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, тарих
фанлари доктори, катта
илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда тарихий-маданий обидаларни сақлаш, цивилизация ва давлатчилик тараққиётидаги маданий мулоқот сабоқларига мурожаат этиш дунё халқлари ўртасидаги алоқаларни тарихийлик нуқтаи назаридан тиклаш ва йўлга қўйишда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, бронза ва илк темир даври инсоният тарихида минтақалараро алоқалар ривожланган ва маданий ҳамда иқтисодий ютуқларнинг кенг миқёсда ёйилишига хизмат қилган босқич сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг турли илмий тадқиқот марказларида илк давлатчилик, шаҳарсозлик ва меъморчилик, хунармандчилик ва ижтимоий-иқтисодий тизими муаммоларига оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Марказий Осиё цивилизацияси марказларидан бири ҳисобланган Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги тарихининг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга доир илмий тадқиқотлар Франция, Германия, Ўзбекистон-Чехия, Ўзбекистон-Россия халқаро археологик экспедициялари томонидан янги илмий услублар ёрдамида ўрганилмоқда. Шу боис ҳозирги кунда ушбу тадқиқотларнинг ўрни, анъанавий ва инновацион ёндашувларнинг ўзига хослигини тарихшунослик нуқтаи назаридан ёритиш долзарб аҳамиятга эга.

Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистонда қадимги даврлардан ривожланиб келган цивилизация марказларининг бой ўтмиши ва маданий меросини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда тарихий жараёнларни қайта тиклаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги йилларда бронза ва илк темир даврига оид янги ёдгорликлар аниқланиб, олиб борилган тадқиқотларда кўплаб маълумотлар қўлга киритилмоқда. Зеро, "...минтақамизнинг кўп асрлик кўҳна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга"¹. Ўз навбатида, Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даврига оид тадқиқотларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, илмий ахборотни қиёслаш, тарихий билимлар ривожланиши динамикасини аниқлаш ва тарихий-маданий вилоятнинг минтақа цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасининг қўламини ҳамда аҳамиятини чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январь Ф-5181-сон "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармойиши ва 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сон "Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ва соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, тарихий-маданий меросни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи / Халқ сўзи, 2020. 24 сентябрь.

ўрганиш, тасарруф этиш ва тарғиб қилишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси*. Мавзунинг ўрганилганлик даражасининг ўзига хос жиҳати шундаки, Жанубий Ўзбекистонда бронза ва илк темир даврига оид тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларидан бошланган бўлиб, мазкур давр археологик ишлар натижасида илмий маълумотларнинг кенгайиб бориши, уларни қиёслаш ва талқин қилиш зарурияти туфайли, бевосита экспедицияларни ташкиллаштирган ва изланишларда иштирок этган олимлар, хусусан, А.А.Асқаровнинг илмий ишларида баъзи мавзулар тарихшунослиги қисқача ўз аксини топган².

XX асрнинг 60-80-йиллари Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги тарихи ва маданиятини археологик жиҳатдан ўрганишнинг дастлабки босқичи ҳисобланиб, бронза ва илк темир даври ёдгорликларнинг топографияси, стратиграфияси ва археология мажмуаларининг хронологияси ҳамда даврлаштириш масалаларини кўриб чиқиш билан бирга тадқиқотларнинг вазифалари ва танлаб олинган илмий мавзуларнинг ўзгариб бориш динамикасини кузатиш мумкин.

XX асрнинг 70-80-йилларида Сурхон воҳаси археологиясида бронза ва илк темир даври йўналишлари тадқиқот объектлар ҳамда мавзулар ва илгари сурилган вазифалар жиҳатдан алоҳида ривожланган. Амалга оширилган кенг миқёсдаги изланиш ва қазилар дала тадқиқотлар натижалари бронза ҳамда илк темир даври Ўрта Осиё археологиясида янгича илмий қарашларнинг пайдо бўлишига кўмаклашган. Бу борада турли илмий масалаларни ўрганиш ва ечишда Сурхон воҳаси экспедицияларнинг таркибида шаклланган илмий жамоаларнинг ишлари катта аҳамият касб этган³.

* Диссертациянинг I бобида Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даврига оид тадқиқотлар таҳлили ва тарихий билимлар, илмий қарашларнинг ривожланиш масалалари батафсил ёритилган.

² Асқаров А.А. Сапаллитепа. – Ташкент: Фан, 1973. – 172 с.; ўша муаллиф. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций). Автореф. дисс... докт. истор. наук. – М.: Институт археологии АН СССР, 1976. – 44 с.; ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – 231 с.; <http://elibrary.ru>.

³ Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа. Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Л.: ЛОИА АН СССР, 1978. – 17 с.; Асқаров А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: Фан, 1979. – 111 с.; Асқаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Ташкент: Фан, 1983. – 120 с.; Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд, 1987. – 19 с.; <http://dlib.rsl.ru>; Ширинов Т. Орудия производства и оружие эпохи бронзы Среднеазиатского Междуречья (по данным экспериментально-трассологического изучения). – Т., 1986; <http://ibooks.ru>; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – 110 с.; Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1990. – С. 8-11; <http://library.ziyounet.uz>.

1983 йилда М.Д. Журакулов, Н.А. Аванесовалар томонидан чоп этилган “Историография эпохи бронзы Средней Азии (Ўрта Осиёнинг бронза даври тарихшунослиги)” номли ўқув қўлланмада XIX асрнинг охири ва XX асрнинг 70 йилларида Ўрта Осиё бронза даври тарихини ўрганилишининг асосий босқичлари, бронза даври тарихига оид билимларнинг жамланиши ва қарашлар ривожини тарихшунослик жиҳатдан таҳлил қилинган⁴.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларида археология фанида замонавий технологиялар ва географик ахборот тизимидан фойдаланилиши натижасида илмий маълумотларни бойитиш ва янги асосларда талқин қилишга имкон яратилди. Шунингдек, тарихий тадқиқот усуллари ва йўналишлари ўзгариб борди. Хусусан, ушбу даврда Ўзбекистон ва хорижий олимларнинг ҳамкорликдаги тадқиқотлари амалга оширилди.

2015 йилда эълон қилинган “Мустақиллик даврида Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври ёдгорликларини ўрганилишининг айрим жиҳатлари” номли мақола воҳада олиб борилган халқаро экспедициялар тадқиқотлари натижаларига бағишланган бўлиб, Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври археологиясини ўрганиш халқаро доирага кўтарилгани таъкидланган⁵.

Бироқ Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври тарихшунослигига оид махсус илмий иш хозиргача мавжуд эмас ва мазкур мавзу алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Шу маънода Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври тарихшунослигини холисона ўрганиш тарих фанининг муҳим вазифалардан биридир. Бу Ўзбекистон тарихини ўрганишда замонавий муаммолар, тарихшунослик тадқиқотлари ҳолати билан белгилаб берилган⁶.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-91 “Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари (2017-2020 йиллар)” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври тарихшунослиги масалаларини ёритиш орқали Сурхон воҳасининг археологик ўрганилишида мавжуд тадқиқотларнинг ўрни ва аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври археологияси йўналишининг шаклланиши ҳамда ривожланиши жиҳатлари ва ёдгорликлар ўрганилишининг асосий натижаларини кўриб чиқиш;

⁴ Журакулов М.Д., Аванесова Н.А. Историография эпохи бронзы Средней Азии. Учебное пособие. – Самарканд: Изд. СамГУ, 1983. – 71 с.

⁵ Сагдуллаев А.С., Шайдуллаев А.Ш. Мустақиллик даврида Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври ёдгорликларини ўрганилишининг айрим жиҳатлари // Жаҳон тарихи кафедрасининг илмий ишлар тўплами. – Тошкент: Навруз, 2015. – Б. 44-51.

⁶ Алимова Д.А. О некоторых современных проблемах в изучении истории Узбекистана // Ўзбекистонда тарих фани: ютуқлар ва ривожланиш муаммолари. 1-қисм. – Тошкент, 2006. – Б. 6-13.

бронза ва илк темир даври меъморчилиги, ҳунармандчилиги, ижтимоий тизими ва эътиқод тарихи масалаларига доир илмий ёндашувлар ҳамда хулосаларнинг моҳиятини баҳолаш;

Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши сабаблари ва ривожланиши тўғрисидаги илмий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш;

илк шаҳарлар маданияти ва давлатчилик тарихига оид илмий билимлар ривожланишининг хусусиятларини ёритиб бериш;

илмий маълумотлар доирасининг кенгайиб бориши натижасида назариялар ва қарашларнинг ўзгариши жараёнини очиб бериш;

иқтисодий-маданий алоқалар мавзусини ўрганиш натижаларини кўриб чиқиш;

Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври тарихшунослиги аҳамиятини кўрсатиб бериш ҳамда илмий хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объектини Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври тарихи тарихшунослиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида XX асрнинг 60-йиллари – XXI асрнинг бошларида Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври археологиясида тарихий билимлар, илмий қарашлар, ёндашувлар ва хулосаларнинг ривожланиши масалалари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда даврлаштириш, хронологик, тизимли ёндашув, асосий тарихшунослик маълумотларининг тарихий-қиёсий таҳлили, шунингдек, қисман муаммоли ёндашув усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври тарихшунослигининг ривожланиши Сурхон воҳасида Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон, Қизилтепа, Кучуктепа, Бургуттепа, Кайриттепа каби ёдгорликларнинг ўтроқ деҳқончилик, мудофаа ва лабиринт тизими, меъморчиликда симметрик ёндашув илк ибодатхона, сарой, ихтисослашган ҳунармандчилик, ижтимоий табақаланиш, маданий алоқалар каби цивилизацияга хос хусусиятлар мисолида асосланган;

Жанубий Ўзбекистонда ўтроқ деҳқончиликнинг вужудга келиши, металлнинг кашф этилиши, миграциялар, маданий алоқалар каби шаҳар белгилари Жарқўтоннинг шаклланишига олиб келганлиги ва бу жараён ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви ҳамда ижтимоий табақаланишнинг кучайишига сабаб бўлгани далилланган;

XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида бронза ва илк темир даври тарихининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларини ёритишда совет даврида қўлланилган формацияли ёндашув ҳамда синфий жамият назарияси ўз аҳамиятини сақлаб қолганлиги сабабли давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг (теология, патриархал, патреморниал, ирригация ва ҳ.к.з.) инобатга олинмагани ва янгича илмий-назарий ёндашувлар ишлаб чиқилмагани очиб берилган;

Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даврини ўрганиш жараёнида антропоген (маданий) ландшафт тарихи (Шеробод, Бойсун ва

Бандихон деҳқончилик воҳаларининг ўзлаштирилиши мисолида), миграциялар ва маданий алоқалар (Қадимги Шарқ минтақалари ва дашт аҳолисининг таъсири) ҳамда минтақавий транзит алоқа йўллари (Ложувард йўли) тарихи каби тарихий тадқиқотлар услубияти йўналишларининг ўзгариб бориши билан боғлиқ эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

услубий ва назарий ёндашувлар асосида Жанубий Ўзбекистон бронза ҳамда илк темир даври ёдгорликларининг ўрганилиши тарихи, археологик маълумотлар асосида қадимги тарихнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муаммолари тарихшунослик нуқтаи назаридан аниқланган;

бронза ва илк темир даври ижтимоий ҳамда маданий жараёнларнинг тарихшунослиги, илк шаҳарсозлик ва давлатчилик масаласининг ўрганилишида Жанубий Ўзбекистон ёдгорликларининг аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, илмий адабиётлардан кенг фойдаланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бронза ва илк темир даври тарихшунослиги бўйича янги ёндашувлар ҳамда илмий йўналишларни яратиш вазибаларини амалга ошириш, шунингдек, тарихий тадқиқот усулларини янада такомиллаштиришга ҳамда тарих фанини янги асосларда ривожлантиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан олий ўқув юрти талабалари учун янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, музейларда янги экспозицияларни ташкил этишда ҳамда тарихий-маданий меросни тарғиб қилишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври тарихшунослиги” мавзусидаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси бўйича қўлга киритилган илмий натижалар асосида:

Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври тарихшунослигининг ривожланиши Сурхон воҳасида Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон, Қизилтепа, Кучуктепа, Бургуттепа, Кайриттепа каби ёдгорликларнинг ўтроқ деҳқончилик, мудофаа ва лабиринт тизими, меъморчиликда симметрик ёндашув илк ибодатхона, сарой, ихтисослашган ҳунармандчилик, ижтимоий табақаланиш, маданий алоқалар каби цивилизацияга хос хусусиятлар мисолида асосланганлиги ва XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида бронза ва илк темир даври тарихининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларини ёритишда совет даврида қўлланилган формацияли ёндашув ҳамда синфий жамият назарияси ўз аҳамиятини сақлаб қолганлиги сабабли давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг (теология,

патриархал, патреморниал, ирригация ва ҳ.к.з.) инобатга олинмагани ва янгича илмий-назарий ёндашувлар ишлаб чиқилмагани тўғрисидаги илмий хулосалардан Давлат илмий-техника дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институти Ф-1-ФА-0-19793-сонли “Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик маданиятлари ва кўчманчи-чорвадорлар дунёси: мил. авв. III – милоднинг I минг йилликлари бошларида ўзаро алоқалар ва таъсирлар муаммоси” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 02 октябрдаги 3/1255-2600-сон маълумотномаси). Бу натижалар Сурхон воҳасининг бронза ва илк темир даври тарихини тадқиқ этиш, етарли даражада ўрганилмаган муҳим масалаларни очиқ беришга, воҳанинг бронза ва илк темир даври маданиятларининг Ўзбекистон тарихидаги ўрни ҳамда аҳамиятини кўрсатиб беришга имконият яратган;

Жанубий Ўзбекистонда ўтроқ деҳқончиликнинг вужудга келиши, металлнинг кашф этилиши, миграциялар, маданий алоқалар каби шаҳар белгилари Жарқўтоннинг шаклланишига олиб келганлиги ва бу жараён ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви ҳамда ижтимоий табақаланишнинг кучайишига сабаб бўлганлиги ҳамда Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даврини ўрганиш жараёнида антропоген (маданий) ландшафт тарихи (Шеробод, Бойсун ва Бандихон деҳқончилик воҳаларининг ўзлаштирилиши мисолида), миграциялар ва маданий алоқалар (Қадимги Шарқ минтақалари ва дашт аҳолисининг таъсири) ҳамда минтақавий транзит алоқа йўллари (Ложувард йўли) тарихи каби тарихий тадқиқотлар услубияти йўналишларининг ўзгариб бориши билан боғлиқлиги масалаларидан Термиз археология музейининг “Тош ва бронза даври” номли экспозициясини бойитишда фойдаланилган (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2018 йил 13 августдаги 01-11-08-5849-сон маълумотномаси). Бу маълумотлар Сурхон воҳасининг бронза ва илк темир даври тарихий географияси, меъморчилиги ва бинокорлик усуллари, маданият ва этник жараёнлар мазмунини музей ташрифчилари учун очиқ беришга ҳамда уларнинг тарихий билимларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та республика ва 2 та халқаро миқёсдаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва шартли қисқартмалар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 155 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганганлик даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг ўрганилиши тарихи”** деб номланган. Унинг *“XX асрнинг 60-80-йилларида бронза ва илк темир даври археологияси йўналишларининг шаклланиши ва ривожланиши”* номли биринчи параграфида XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Жанубий Ўзбекистонда бронза ва илк темир даври археологияси йўналишларининг шаклланиши ҳамда ривожланиши ва археологик тадқиқотларнинг асосий натижалари таҳлил қилинган.

Диссертацияда 1963-1965 ва 1967 йиллари Кучуктепада амалга оширилган ишлар натижасида ёдгорликнинг меъморий тарҳи аниқланганлиги қайд этилган⁷. 1969-1971 йилларда Сополлитепада тадқиқотлар олиб борилди⁸. Бу ишлар негизида Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври археологияси вужудга келди ҳамда шу давр археологияси йўналишлари бўйича мавзулар шакллана бошлади.

Тадқиқотда ўтган асрнинг 70-80-йилларида Сополли, Жарқўтон, Бўстон, Талашкантеа, Қизилтепа, Бандихон ва бошқа ёдгорликларда амалга оширилган ишларнинг натижалари очиб берилган. Улар А.А. Асқаров, Л.И. Альбаум, Г.А. Пугаченкова, Т.В. Беляева, З.А. Хакимов, Х. Дуке, Э.В. Ртвеладзе, Ш.Р. Пидаев, А.С. Сагдуллаев, Б.Н. Абдуллаев, Т.Ш. Ширинов, У.В. Рахманов, Ш.Б. Шайдуллаев ва В.И. Ионесовларнинг ишларида ўз аксини топди⁹.

⁷ Асқаров А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: Фан, 1979. – 112 с.

⁸ Асқаров А.А. Раскопки на поселении Сапалли // АО 1971. – М.: Наука, 1972. – С. 510-511.

⁹ Пугаченкова Г.А. Новый памятник древнебактрийской культуры // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1972. – Вып. 1. – С. 47-49; Асқаров А.А. Сапаллитепа. – Ташкент: Фан, 1973. – 172 с.; Беляева Т.В., Хакимов З.А. Древнебактрийские памятники Миршаде // Из истории античной культуры Узбекистана. – Ташкент: Изд-во Гафура Гуляма, 1973. – С. 35-51; Асқаров А.А. К вопросу о выделении культуры Сапалли // Древняя Бактрия. – Л.: Наука, 1974. – С. 26-32; Дуке Х. Пшактепе – памятник культуры Северной Бактрии // ОНУ., 1974. – № 2. – С. 36-38; Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии // Древняя Бактрия. – Л.: Наука, 1974. – С. 33-36; Ртвеладзе Э.В. Разведочное изучение бактрийских памятников на юге Узбекистана // Древняя Бактрия. – Л.: Наука, 1974. – С. 74-78; Асқаров А.А. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций). Автореф. дисс... докт. истор. наук. – М.: Институт археологии АН СССР, 1976. – 44 с.; Заппаров Ш.Х., Ртвеладзе Э.В. Раскопки древнебактрийского поселения Талашкан-Тепе I // Бактрийские древности – Л.: Наука, 1976. – С. 19-23; Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – 231 с.; Рахманов У.В. Раскопки керамических горнов культуры Сапалли на Бустане 4 // ИМКУ., 1977. – Вып. 13. – С. 35-43; Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие поселения предгорий Байсунтау // История и археология Средней Азии. – Ашхабад: Ёлым, 1978. – С. 30-36; ўша муаллиф. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа. Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Л.: ЛОИА АН СССР, 1978. – 17 с.; Асқаров А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: Фан, 1979. – 111 с.; Абдуллаев Б.Н.

Ушбу йилларда Сурхон воҳасида деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши, қадимги аҳолининг худудий жойлашиши, чегаралари, меъморчилик ва бинокорлик, хунармандчилик турлари ва маданий алоқалар каби муҳим масалалар очиб берилди.

Археологик жиҳатдан бутунлай қазиб очилган Сополли, Кучуктепа ва Қизилча-6 каби манзилгоҳ ва уй-қўрғонлар Ўрта Осиёнинг намунавий ёдгорликлари туркумига киритилди. Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даврига доир маълумотлар халқаро анжуманлар илмий тўпламларида эълон қилинган¹⁰ ҳамда алоҳида умумлашма ишларда ўрин олган¹¹. Ушбу нашрларда Сурхон воҳасидаги изланишлар ва кашфиётларнинг ҳамда қўлга киритилган маълумотларнинг қадимги давр тарихини ёритишда минтақа миқёсдаги долзарблиги қайд этилган. Шунингдек, Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври археологияси халқаро илмий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

Диссертация ишида бу даврда археология маълумотларидан қадимги ижтимоий-иқтисодий тизимни қайта тиклаш жараёнида кенг фойдаланиш зарурати ҳақида масала илгари сурилганлиги уқтириб ўтилган. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига келиб бундай ёндашув Ўрта Осиёнинг Жануби (жумладан, Сурхон воҳаси) мисолида, бронза асри ва илк темир даври тарихини қайта тиклаш ҳамда ижтимоий тизим, сиёсий институтлар, илк шаҳарлар ва давлатчиликнинг ривожланиш жиҳатларини талқин қилишда

Культура земледельческих племён поздней бронзы Северной Бактрии (по материалам могильника Джаркутан). Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Новосибирск: Сибирское отд. АН СССР, 1980. – С. 12-14; Аскарлов А. Раскопки Пшактепе на юге Узбекистана // ИМКУ., 1982. Вып. 17. – С. 30-41; Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Ташкент: Фан, 1983. – 120 с.; Абдуллаев Б.Н. Об орнаментации керамики с поселения Джаркутан // ИМКУ., 1983. Вып. 17. – С. 15-19; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Раскопки монументального храма на Джаркутане // Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках, искусства архитектуры и археологии. – Ташкент, 1985. – С. 16-17; Рахмонов У.В., Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры // ОНУ., 1985. – № 11. – С. 58-63; Аскарлов А.А. Южноузбекистанский очаг древнебактрийской цивилизации // Древние цивилизации Востока. – Т.: Фан, 1986. – С. 44-53; Ширинов Т.Ш. Орудия производства и оружие эпохи бронзы Среднеазиатского Междуречья (по данным экспериментально-трассологического изучения). – Т., 1986; Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Самарканд, 1987. – 19 с.; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – 110 с.; Шайдуллаев Ш.Б. Талашкантепа I – крепость раннего железного века на территории Северной Бактрии // Я.Гулямов и развитие исторической науки в Узбекистане. – Ташкент, 1988. – С. 101-103; Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о хронологической периодизации Кучуктепа // ИМКУ., 1988. Вып. 22. – С. 13-26; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Древнебактрийский храм огня на Джаркутане // Культура Среднего Востока. – Т.: Фан, 1989. – С. 7-24; Ширинов Т.Ш. Джаркутан – ранний город эпохи бронзы юга Узбекистана // Зоны и этапы урбанизации. – Ташкент: Фан, 1989. – С. 43-44; Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т.Ж. Два новых пункта раннежелезного века на юге Узбекистана // ОНУ., 1989. – № 5. – С. 31-34; Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии. Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1990. – С. 8-11.

¹⁰ Бу борада қатор конференциялар материаллари тўпламларини тилга олиш мақсадга мувофиқ, шу жумладан, Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности (II тысячелетии до н.э.). – М.: Наука, 1981; Раннежелезный век Средней Азии и Индии. – Ашхабад: Ёлым, 1984; L'archeologique de la Bactriane ancienne: Actes du colloque franco – sovietique. – Paris, 1985; Древние цивилизации Востока (материалы II советско-американского симпозиума). – Ташкент: Фан, 1986; Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций // Тезисы докладов советско-французского симпозиума по проблемам археологии Центральной Азии и соседних регионов. – Алма-Ата, 1989.

¹¹ Kohl Ph.L. Central Asia. Paleolithic Beginnings to Early Iron Age. – Paris, 1984. – P. 151-158; Сарияниди В.И., Кошеленко Г.А. Северная Бактрия // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. – М.: Наука, 1985. – С. 187-192.

амалга оширилди¹². Бироқ ўша пайтларда тарихий тадқиқотлар усуллари муқобил қарашлардан йироқ ички бирлик ва умумийликка эга бўлиб, давлат илк синфий формацияси доирасида шаклланганлиги ҳақида ғоя тан олинган.

Диссертация биринчи бобининг “*XX асрнинг 90 – йиллари ва XXI аср бошларида янги давр тадқиқотларининг асосий натижалари*” деб номланган иккинчи параграфида мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар, халқаро илмий экспедицияларнинг натижалари ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти кўриб чиқилган.

Диссертацияда мазкур давр тадқиқотларининг асосий хусусиятлари очиб берилган. Улар аввалги йилларда тўпланган маълумотларни талқин қилиш, янги экспедицияларни ташкиллаштириш ва археология вазифаларини ечиш қаторида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда археологик манбаларни тарихий реконструкция жараёнига кенгроқ жалб этиш билан боғланди. Ушбу мақсадни амалга ошириш тарихий тадқиқот йўналишларини белгилаб берган.

А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновнинг монографиясида XX асрнинг 90-йиллари бошларига қадар Жанубий Ўзбекистон бронза даври ёдгорликлари ўрганилишининг натижалари ёритилган¹³. У.В. Рахманов, Ш.Б. Шайдуллаев, А.А. Асқаров Н.А. Аванесова мақолаларида Жарқўтон ва Бўстон каби бронза даври ёдгорликларининг ўрганилиши асосида Сополли маданиятида Андроново дашт қабилалари маданий анъаналарининг намоён бўлиши қайд этилган¹⁴. Янги тадқиқотлар туфайли ташқи миграцияларнинг маданият ва этник тарихга таъсири, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзгариши каби масалаларни ўрганиш зарурати вужудга келди.

Германия Археология институти ва Ўз ФА Археология институти ҳамкорлигида (Д. Хуфф, Ш.Б. Шайдуллаев) Жарқўтонда¹⁵ ҳамда С.Б. Болелов, Дж.Я. Ильясов ва В.В. Мокробородовлар томонидан Пашхурд воҳасида бронза даврига оид янги маълумотлар қўлга киритилди¹⁶. Р. Страйд,

¹² Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). Автореф. дисс... докт. истор. наук. – М.: МГУ, 1989. – 45 с.; Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс... докт. истор. наук. – М.: Институт археологии РАН, 1993. – 49 с.

¹³ Асқаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1993. – 162 с.

¹⁴ Рахмонов У.В., Шайдуллаев Ш.Б. О влиянии культур степной бронзы на керамические комплексы Сапаллинской культуры // ОНУ., 1985. – № 11. – С. 58-63; Асқаров А.А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-ата: Наука, 1987. – С. 57-58; Аванесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике Сапаллинской культуры // ИМКУ. – Ташкент, 1999. Вып. 30. – С. 27-36; Аванесова Н.А. Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. – Ташкент, 2010. – С. 116-117.

¹⁵ Huff D., Pidaev Sh., Shaydullayev Sh. Uzbek-German archaeological researches in the Surkhandarya region // La Baktrianne au carrefour des toutes et des civilisations de L’Asie Central. – Paris, 2001. – P. 143-154; Huff D., Shaydullayev Sh. Djarkutan // Archeologischer Anzeiger. – Berlin, 2002. – S. 110-113.

¹⁶ Болелов С.Б., Ильясов Дж.Я. Археологические исследования в Пашхуртской котловине // Археологические исследования в Узбекистане – 2004-2005 годы. – Ташкент, 2006. Вып 5. – С. 89-94; Мокробородов В.В. Керамика эпохи бронзы из кишлака Пашхурт // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 годы. – Ташкент, 2006. Вып 5. – С. 160-164.

Л.М. Сверчков, Н.Б. Бороффка томонидан Бандихон ва Қизилтепада¹⁷, шунингдек, Чехиянинг Прага университети ва Термиз давлат университети олимлари ҳамкорлигида Кўхитанг ёнбағри ёдгорликларида тадқиқотлар амалга оширилган (Л. Станчо, А. Аугустинова, Ш. Шайдуллаев, А.Ш. Шайдуллаев)¹⁸.

Ўзбекистон-Франция кўшма экспедицияси (С. Бендезу-Сарменто, Ж. Люилье, С. Мустафоқулов) томонидан Жарқўтонда тадқиқотлар олиб борилиши бронза даври моддий маданият ашёларини атрофлича ўрганиш имконини берган¹⁹.

Бу даврда Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври тарихшунослиги масалалари А.А. Асқаровнинг умумлашма монографиясининг айрим бобларида ёритилди²⁰. Талашкантепаннинг ўрганилиши натижасида, илк темир даври мудофаа иншоотлари тарихи бўйича янги материаллар Ш.Б. Шайдуллаев монографиясида умумлаштирилди²¹.

XXI аср бошларида Ш.Б.Шайдуллаев томонидан Сополли ва Жарқўтон археологик материалларига таянган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш мавзусига оид давлатчилик белгилари ишлаб чиқилди²². Бунда аввал В.М. Массон эълон қилган “Илк синфий жамият шаклланишининг археологик схемаси”²³ асос қилиб олинди. Ушбу икки жадвалда илк синфий жамият белгиларининг моддий маданият ёдгорликларида акс этиши кўрсатиб берилган. Ушбу ҳолат собиқ даврда устун бўлган назариянинг қўлланилишидан дарак беради. Фарқли равишда Ш.Б. Шайдуллаев белгилар ичида илк давлат маркази – шаҳар, сиёсий бирлашма ва марказлашган дин каби омилларни уқтириб ўтган.

Тадқиқотда қўлга киритилган янги илмий маълумотлар М.Ш. Эсанов, К.А. Рахимов, Д.О. Каримова, А.Ш. Шайдуллаев, О.А. Хамидов, А.А. Ҳакимов, Ж.Э. Тоғаев, Г.Ш. Шайдуллаева ва А.А. Боқиевларнинг диссертация

¹⁷ Страйд Р., Сверчков Л.М. Памятники эпохи бронзы и раннего железа возле Денау // Трансоксиана. История и культура. – Ташкент, 2004. – С. 17-24; Сверчков Л.М. Археологические памятники Байсуна // История и традиционная культура Байсуна. – Ташкент: Б.И., 2005. – С. 42-45; Сверчков Л., Бороффка Н. Памятники Бандыхана // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 гг. – Ташкент: Фан, 2006. – С. 193-200.

¹⁸ Augustinova A., Stanco L., Shaydullaev Sh., Mrva M. Archaeological Survey in the Zarabag Micro Oasis (South Uzbekistan), Preliminary Report on the Season 2015 // StudiaHercynia XIX/1-2, 2015. – P. 262-281; Augustinova A., Stančo L., Damašek L., Mrva M., Shaydullayev Sh. Archaeological Survey of the Oases of Zarabag, Karabag and Kampyrtepa in the Piedmont of the Kugitang Mountains, South Uzbekistan – Preliminary Report for the Season 2016 // StudiaHercynia, XXI/1, 2017. – P. 104-148.

¹⁹ Bendezu-Sarmiento J., Luneau E., Brunet O., Lhuillier J., Sarmiento D. Rapport final sur le travail de la deuxième campagne de fouille (été 2008) sur la nécropole de Dzsharkutan (sud de l'Ouzbékistan), Rapport interne effectué pour la Mission Archéologique Française en Asie Centrale, 2008, – 117 p.; Mashkour M., Lhuillier J., Gritsina M., Bendezu-Sarmiento J., Mustafakulov S., Khasanov M., with two possible other co-author. Bronze and Iron Ages Subsistence Economies in Southern Uzbekistan // 9th International Congress on the Archaeology of the Ancient Near East. Abstracts. Sections, Posters, Workshops. – University of Basel, Switzerland. 2014. – 88 p.

²⁰ Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б. 142-164, 181-193.

²¹ Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Т.: Xalq merosi, 2000. – 128 с.

²² Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари докт. дисс... автореферати. – Самарқанд: ЎзФА Археология институти, 2009. – Б. 11, 14-15;

²³ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976. – С. 185, рис. 23.

ишларида акс этганлиги уқтириб ўтилган²⁴. Улар археология мавзулари, дафн маросимлари ва эътиқодлар, маданий алоқалар ҳамда бронза ва илк темир даври тарихий реконструкцияси масалаларига бағишланган. Жумладан, А.А. Ҳақимовнинг тадқиқотида Ўрта Осиёда бронза ва илк темир даври урбанизация жараёнлари тарихшунослиги ёритилган²⁵.

Тадқиқотда Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даврига оид археологик маълумотлардан ва тўпланган тарихий билимлардан хорижий нашрларда фойдаланиш ҳолатлари кўриб чиқилган. Улар муайян ишларга иқтибос берилган ҳолда ташқи маданий-иқтисодий алоқалар, бронза даври цивилизацияси ва давлатчилик тарихининг ёритилишида Г.П. Франкфор, Н. Бороффка, К.К. Ламберг-Карловски, К. Каниют ишларида ўз аксини топган²⁶.

Диссертациянинг биринчи боби хулосасида Сурхон воҳасида бронза ва илк темир даврига оид археологик тадқиқотлар натижаларининг аҳамияти, илк давлатчилик ва цивилизация тарихига доир билимлар динамикаси ҳамда илмий муомалага янгича қарашларнинг киритилиши, тарихшуносликда мавжуд баҳсли масалаларнинг жиҳатлари қайд этилган.

Тадқиқотнинг **“Бронза ва илк темир даври меъморчилиги, хунармандчилиги ва ижтимоий жараёнлар ўрганилишининг тарихшунослиги”** деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда меъморчилик ва мудофаа тизимининг тадқиқ этилиши, хунармандчилик соҳаларининг ўрганилиши, ижтимоий тизим, дафн маросимлари ва эътиқод масалаларининг ёритилиши таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг *“Меъморчилик ва мудофаа тизимининг тадқиқ этилиши”* номли биринчи параграфиди Сополли маданиятининг меъмор-

²⁴ Эсанов М.Ш. “Авесто” жамиятининг археологик материалларда акс этиши. Тарих фан. номзоди дисс... автореф. – Самарқанд: ЎзФА Археология институти, 2007; Рахимов К.А. Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари типологияси. Тарих фан. номзоди дисс... автореферати – Самарқанд: ЎзФА Археология институти, 2011. – 27 б.; Каримова Д.О. Шимолий Бактрия аҳолисининг дафн маросимлари ва диний эътиқодлари (бронза даври моддий маданият ёдгорликлари мисолида). Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2017. – 21 б.; Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданиятининг глиптикаси ва сфрагистикаси. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2018. – 18 б.; Хамидов О.А. Шимолий Бактриянинг Кучук I даврига оид янги ёдгорликлари. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2020. – 20 б.; Ҳақимов А.А. Ўрта Осиёда бронза-илк темир даври урбанизация жараёнлари тарихшунослиги (XIX асрнинг охири – XXI асрнинг бошлари). Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2020. – 27 б.; Тоғаев Ж.Э. Бронза ва илк темир даври тарихий реконструкцияси масалалари (Жанубий Ўзбекистон мисолида). Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент: ЎзМУ, 2021. – 22 б.; Шайдуллаева Г.Ш. Окс ва Ҳараппа цивилизацияларининг маданий алоқалари. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2021. – 25 б.; Боқиев А.А. Окс цивилизациясининг ижтимоий характери. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2021. – 24 б.

²⁵ Ҳақимов А.А. Ўрта Осиёда бронза-илк темир даври урбанизация жараёнлари тарихшунослиги (XIX асрнинг охири – XXI асрнинг бошлари). Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2020. – 27 б.

²⁶ Francfort H.-P. The Central Asian dimension of the symbolic system in Bactria and Margiana // *Antiquity*, 1994. Vol. 68. – P. 406-427; Boroffka N., Cierny J., Lutz J. Bronze Age tin from Central Asia // *Late Prehistoric Exploitation of the Eurasian Steppe*. – Cambridge, 1999. – P. 14-29; Lamberg-Karlovsky C.C. Civilization, state or tribes? Bactria and Margiana Bronze Age // *The Review of Archaeology*, 2003. Vol. 24. – P. 11-19; Kaniuth K. The metallurgy of the late Bronze Age Sapalli culture (Southern Uzbekistan) and its implicatios for the “tin vestion” // *Iranica Antiqua*, 2007. Vol. XLII. – P. 23-39.

чилик анъаналари ва қурилиш услубларига доир адабиётларда мавжуд фикр-хулосалар кўриб чиқилган. Тадқиқотда Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври меъморчилиги ҳамда мудофаа тизими бўйича тўпланган маълумотларнинг тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиниши ҳарбий иш ва сиёсий муносабатлар тарихини ўрганиш учун имкон яратилгани уқтирилган.

Бронза даврида Бактрияда мудофаа деворлари билан ўраб олинган ибодатхона ва сарой каби мажмуаларнинг вужудга келишини Шимолий Афғонистон – Жанубий Бактриядаги Даштли 3 ёдгорлиги мисолида илк бор В.И. Сарияниди қайд этиб ўтган²⁷. А.А. Аскарлов дастлаб Даштли 3 саройи ва ибодатхонасини оддий деҳқончилик манзилгоҳлари сифатида Сополлитепа билан қиёслаган²⁸. Негаки Даштли саройи ва Сополлитепа мудофаа тизимида ўхшашлик мавжуд. Бироқ Жарқўтонда сарой ва ибодатхонанинг топилиши натижасида бу борада мавжуд фикрлар ўзгарган²⁹.

Диссертацияда ХХІ аср бошларида эълон қилинган тадқиқотлар натижаларининг мазмун-моҳияти кўриб чиқилган. Сўнгги бронза ва илк темир даврига оид Бандихон ва Қизилтепада Л.М. Сверчков, Н. Бороффка ва У. Син томонидан бинокорлик, меъморчилик ва мудофаа тизимини ўрганиш бўйича амалга оширилган янги тадқиқотлар натижасида мавзуга оид мавжуд илмий қарашларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни янгича талқин қилиш мақсади қўйилган. Бироқ тадқиқотчилар томонидан тарихшунослик маълумотларнинг етарлича қиёсий таҳлил қилинмаганлиги туфайли нашр этилган мақолаларда талаб даражасида исботланиб берилмаган, хатолардан иборат ҳолатлар ўз аксини топди³⁰.

Улар юзасидан танқидий мулоҳазалар билдирилган³¹. Диссертацияда бундай ҳолатлар мавзуга тегишли илмий адабиётларга иқтибослар берилмаган ва тарихшунослик маълумотларни етарлича инобатга олинмаган ҳолда шахсий қарашларини эркин баён этишга интилиш деб баҳоланган.

Иккинчи бобнинг *“Хунармандчилик соҳалари тараққиёти омилларининг ўрганилиши”* деб номланган иккинчи параграфида бронза ва илк темир даври хунармандчилик турлари, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш масалаларининг ўрганилиши тарихшунослиги очиб берилган.

Тадқиқотда бронза даври хунармандчилиги тарихига оид билимлар даражасининг кенгайиб бориши, мазкур соҳалар ҳолатини ўрганишдаги ёндашувларнинг ўзгариши ва янги илмий қарашларнинг вужудга келиши

²⁷ Сарияниди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // СА. – М., 1974. – № 4. – С. 49-71; Ўша муаллиф. Месопотамия и Бактрия во II тыс. до. н. э. // СА. – М., 1986. – № 2. – С. 34-46.

²⁸ Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура.... – С. 132-134.

²⁹ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 55-56.

³⁰ Сверчков Л.М., Бороффка Н. Памятники Бандыхана // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 гг. – Ташкент: Фан, 2006. – С. 193-200; Сверчков Л.М. “Тохарская проблема” и культура расписной керамики эпохи раннего железа // Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. – Ташкент, 2010. – С. 176-197; Сверчков Л.М., Син У., Бороффка Н. Раскопки Кызилтепа // Археологические исследования в Узбекистане. 2010-2011 гг. – Самарканд, 2012. – С. 253-260.

³¹ Сагдуллаев А.С. О методе догадок в исторических исследованиях // Ўрта Осиё тарихи ва маданияти муаммолари. – Тошкент, 2014. – Б. 21-28; ўша муаллиф. Проблема инноваций в интерпретации археологических данных // Ўзбекистон археологияси мустақиллик йилларида: ютуқлар ва истикболлар. – Самарканд, 2016. – С. 38-42.

хусусиятлари очиб берилган. Ихтисослашган ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши (кулолчилик, бронзадан қуроллар ва турли буюмлар ясаш, тўқимачилик, заргарлик ва бошқ.) ички ва ташқи ҳудудий доирасида мол айирбошлашга кенг имкон яратган. Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даврининг турли ҳунармандчилик ишлаб чиқарилишига мансуб буюмлар алоҳида археологик мажмуалар сифатида ёритилган, шунингдек, улар ижтимоий-иқтисодий масалаларни ёритишга хизмат қилган³².

Бироқ шу билан бирга, ҳунармандчилик соҳаларида (Сурхон воҳаси мисолида) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш масалалари деярли ўрганилмаган. В.М. Массоннинг фикрига кўра, бронза даври Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида бошқарув тизими шаклланган³³. Диссертацияда Сурхон воҳаси бронза даври ҳунар-касбларнинг ихтисослашиши ва ҳунармандчилик ишлаб чиқарилишида соҳаларнинг мустақил ривожланиши ҳамда савдо-сотик ҳунармандчиликдан ажралиб чиқиши масалалари етарлича ёритилмаганлиги аниқланган.

Иккинчи бобнинг *“Ижтимоий ҳаёт ва дафн маросимлари масалаларининг ёритилиши ҳолатлари”* деб номланган учинчи параграфида қадимий деҳқончилик жамоаларнинг ривожланиш хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар муаммоси, қадимги дафн маросимлари ва эътиқод муаммоларига доир тарихшунослик ҳолатлари таҳлил қилинган.

Диссертацияда бронза ва илк темир даврига оид турли тадқиқотларда қадимий жамиятнинг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш муҳим вазифага айланганлиги қайд этилган.

Сурхон воҳасининг бронза даври палеодемография масалаларини талқин қилишда, яъни манзилгоҳларида истиқомат қилган аҳолининг умумий миқдорини аниқлаш жараёнида тадқиқотчилар Қадимги Шарқ тарихига оид тарихшунослик манбаларга таянганлар³⁴. Шунга кўра, А.А. Асқаров Сополлитепа палеодемографияси мавзусини очиб берган³⁵. Сополлитепада саккизта катта оила жамоалари истиқомат қилган. Улар алоҳида гузар уй-жойларда яшаган³⁶.

Ўтган асрнинг 70-йилларидаги бундай ёндашув Ўрта Осиё археологиясида бронза даврига оид билимлар доираси ҳолати билан белгиланган. Шу боис бронза даври Бактрия аҳолисининг ижтимоий ҳаётида Қадимги Шарқ цивилизацияларига хос катта ўзгаришлар содир бўлганлиги маълум даражада эҳтиётлик билан кўриб чиқилган. Сополлитепа “Авесто”да тилга олинган “вис” – катта патриархал оилаларидан иборат уруғ жамоаси манзилгоҳи билан қиёсланган³⁷. Археологик материалларга кўра, мазкур ҳолатга нисбатан ижтимоий алоқаларнинг анча юқори даражасининг мавжудлиги масаласи кўриб чиқилган.

³² Сағдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 26-34.

³³ Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // СА. – М., 1967. – № 3. – С. 165-190.

³⁴ Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй древнего Двуречья. Шумер. – М.: Вост. лит., 1959. – С. 17-18.

³⁵ Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпоха бронзы... – С. 150.

³⁶ Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура... – С. 134.

³⁷ Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура... – С. 147.

Хусусий мулкчилик ва ижтимоий табақаланиш тўғрисида бронза даври уй-жойлари ҳамда қабрларидан топилган буюмлар далолат беради. Қабрларда учрайдиган буюмларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари аҳоли ижтимоий табақаланишнинг белгиларидан биридир³⁸. Бу жамиятда турли ижтимоий қатламларнинг мавжудлигидан дарак беради. Шунингдек, ўз хусусий мулкига эга катта патриархал оилаларнинг ажралиб чиқиши эътиборга молик.

Тадқиқотда бронза ва илк темир даврига оид археологик маълумотлар ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий меҳнат тақсимоти, зироаткорлик, ирригация – сунъий суғориш ва қурилиш ишларини ташкил этиш масалаларини ўрганишга кенг жалб қилинганлиги уқтирилган. Натижада қадимги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш ва баҳсли муаммоларни кўриб чиқиш мақсадида янги тадқиқотлар олиб бориш имкони пайдо бўлди.

Диссертацияда илк темир даври ижтимоий муносабатларни ўрганишда Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилча 6, Бандихон 2 ва Талашкантепа материалларидан фойдаланилганлиги қайд этилган. Қизилча 6 деҳқончилик уй-кўрғони мисолида Қадимги Бактрияда ер-мулкка эгалик шакллари, зироаткор жамоаларида ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳамда ички ва ташқи ижтимоий алоқалар очиб берилган³⁹. Мавзуга доир янги ишларда илк темир даврига оид Сурхон воҳасида турли ижтимоий қатламлар – деҳқонлар, бинокорлар, ҳунармандлар, қоҳинлар ва жамиятда бошқарув вазифаларини амалга оширган шахслардан иборат бўлганлиги қайд этилган⁴⁰.

Сурхон воҳасида бронза даврига оид дафн маросимлари ва эътиқод муаммоларига тегишли бой маълумотлар тўпланган⁴¹. Натижада Бактрия-Марғиёнада оловга, сувга ва муқаддас ичимлик – хаомага сиғиниш эътиқодлари, зардўштийлик дафн маросимларига яқин одатларнинг бронза даврида пайдо бўлиши⁴² ва илк темир даврига келиб тараққий этганлиги аниқланган⁴³. Бироқ ушбу масалалар тарихшунослик жиҳатидан етарлича очиб берилмаган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби хулосасида Қадимги Бактрия тарихий вилоятлари қатори Сурхон воҳасида бинокорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик соҳалари ва ижтимоий алоқаларни талқин қилиш жараёнида янгича

³⁸ Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши... – Б. 15.

³⁹ Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 68-76.

⁴⁰ Тоғаев Ж.Э. Бронза ва илк темир даври тарихий реконструкцияси масалалари (Жанубий Ўзбекистон мисолида). Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2021. – Б.17.

⁴¹ Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977; Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Ташкент: Фан, 1983; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993; Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседло – земледельческом обществе в Северной Бактрии. Автореф. дисс.... канд. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1990. – 21 с.; Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде Сапаллинской культуры // Археологические вести. – СПб, 1995. – № 4.

⁴² Сариниди В.И. Протозороастрийский храм в Маргиане и проблема возникновения зороастризма // ВДИ. – М., 1998. – № 1. – С. 152-169; Ширинов Т.Ш. Средняя Азия во II тысячелетие до нашей эры и протозороастризм // ИМКУ. – Самарканд, 2000. Вып.31. – С. 35-48.

⁴³ Сагдуллаев А.С. “Авесто”нинг диний маросимларини ўрганишда археологик маълумотлар // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2000. 3-son. – Б. 5-6.

илмий қарашларнинг вужудга келиши ва уларни тарих фанига татбиқ қилишнинг катта аҳамияти уқтириб ўтилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Дехқончилик маданияти, илк давлатчилик ва шаҳарлар ривожланиши тарихшунослиги**” деб номланган. Унинг учта параграфида Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий қарашлар, илк давлатчилик ва шаҳарлар маданияти тарихининг ёритилишида асосий ёндашувлар ҳамда иқтисодий-маданий алоқалар таҳлилининг натижалари ёритилган.

Ушбу бобнинг “*Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши тўғрисидаги асосий қарашлар*” номли биринчи параграфида тадқиқотчилар томонидан Жанубий Ўзбекистонда деҳқончиликнинг вужудга келиши масаласини Шимолий Афғонистон ва Жанубий Туркменистон бронза даври маданиятлари тарихи билан боғланган ҳолда ёритилганлиги ҳолатлари кўриб чиқилган. Шимолий Афғонистонда Даштли, Жанубий Ўзбекистонда Сополли маданиятларининг ўрганилишидаги муҳим кашфиётлар Ўрта Осиё бронза даври тарихини янгича илмий асосларда талқин қилишга имкон яратди⁴⁴. Шу сабабли В.И. Сариянининг нашрларида бронза даври ёдгорликлари ва топилмалари умумлашган ном билан, Бактрия-Марғиёна археологик комплекси (мажмуаси) деб аталган⁴⁵.

Хорижий тадқиқотчилар Бактрия-Марғиёна бронза даври деҳқончилик маданиятига нисбатан цивилизация атамасини қўллай бошлашди. Америкалик тадқиқотчи К.К. Ламберг-Карловски биринчи бўлиб “Окс цивилизацияси”, италиялик олим М. Този ва Т.Ш. Ширинов “Турон цивилизацияси” ибораларини ишлатишди⁴⁶. А.А. Аскарлов ва Т.Ш. Шириновлар умумийликка эга бўлган Ўрта Осиёнинг жануби, Шимоли-шарқий Эроннинг ва Шимолий Афғонистоннинг бронза даври ўтроқ зироаткорлар аҳолисининг маданиятларини “Намозгоҳ тарихий-маданий бирлиги” атамаси билан боғлашни таклиф қилганлар⁴⁷.

Диссертацияда бу борада муқобил ёндашувлар кўриб чиқилган⁴⁸. Жанубий Ўзбекистонда деҳқончиликнинг пайдо бўлишини ташқи миграциялар билан боғлаш мақсадга мувофиқ деб хулосага келинган ҳамда шу мавзуга оид қарашлар таҳлил қилинган⁴⁹. Тадқиқотда миграциялар оқибатида хўжалик ва хунармандчилик соҳаларига турли технологик

⁴⁴ Сарияниди В.И. Древности страны Маргус. – Ашхабад: Ёлым, 1990. – С. 74-102; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 116 с.

⁴⁵ Сарияниди В.И. Некрополь Гонура и иранское язычество. – М: Мир-Медия, 2001. – С. 11-14.

⁴⁶ С.С. Lamberg-Karlovsky. The Bronze Age khanates of Central Asia // Antiquity. – Rom, 1994. Vol. 68 – P. 398-405; Tosi M. The Origins of Early Bactrian Civilization // Bactria. An Ancient Oasis Civilizations. – Roma-Venezia, 1989. – P. 69-71; Ширинов Т.Ш. Туранская цивилизация Бактрии и Маргианы во II тыс. до н.э. // Культурное наследие Туркменистана. Тез. докл. – Ашхабад. – СПб., 2000. – С. 27.

⁴⁷ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... – С. 42.

⁴⁸ Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана ... – С. 17; Сагдуллаев А.С. К изучению поселения Муллала // Краеведение Сурхандарьи. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 14-15.

⁴⁹ Боқиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Окс цивилизацияси. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 176 б.; Бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг географияси ва картографияси // Масъул муҳаррир: А.С.Сагдуллаев. – Тошкент: Turon-iqbol, 2019. – Б. 63-94; Боқиев А.А. Окс цивилизациясининг ижтимоий характери. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2021. – 24 б.

янгиликлар татбиқ этилишининг аҳамияти қайд этилиб, янги тадқиқотларда акс этган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган⁵⁰.

Таҳлил қилинган маълумотларга кўра, Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий қарашларнинг асосий ҳолатлари миграциялар назариясига таянган.

Учинчи бобнинг *“Илк давлатчилик ва шаҳарлар тарихига оид илмий билимларнинг ривожланиши хусусиятлари”* деб номланган параграфида илк давлатчилик тарихига оид илмий қарашларнинг ривожланиш жиҳатлари кўриб чиқилган. Тадқиқотда бронза даврини давлатчилик тизимига ўтиш босқичи сифатида талқин қилиш⁵¹ ёки бу даврда шаҳар-давлатларнинг ривожланишини қайд этиш⁵², мил. авв. X-VIII асрларда ҳарбий-сиёсий бирлашмаларининг вужудга келиши⁵³ ҳамда *“Қадимги кавийлар подшоликлари”* мавжудлиги ҳақида масалани илгари суриш, Ўзбекистон илк давлатчилик тарихини Бактрия ва Сўғд мисолида ёритиш каби ҳолатлар очиб берилган⁵⁴.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Европа тарихчилари М. Дункер, В. Гейгер, Э. Райш, В. Томашек, Ж. Прашек Аҳамонийлар даврига қадар Бактрия подшолигининг мавжудлиги тўғрисида масалани илк ёзма манбаларга таянган ҳолда илгари суришган⁵⁵.

Диссертацияда ушбу масаланинг тарихшунослиги, асосий ҳолатлар ва мавжуд концепцияларнинг танқидий таҳлили илгари турли ишларда ўз аксини топганлиги⁵⁶ ҳамда собиқ Совет даврида тарих фанида давлатнинг вужудга келишида ижтимоий синфлар ва қулдорлик жамиятининг келиб чиқиши муаммолари катта аҳамият берилганлиги қайд этилган. Ўрта Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ёндашувлар ва назариялар Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов ва Е.В. Абдуллаевлар монографиясида⁵⁷ ҳамда

⁵⁰ Аскарлов А.А. Южный Узбекистан – древнейший очаг сельскохозяйственных культур эпохи бронзы // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Ташкент, 2018. – С. 26-29; Сагдуллаев А.С., Холматов Н.У., Абдуллаев Ў.И. ва бошқ. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. – Тошкент: Университет, 2020. – Б. 110-153.

⁵¹ Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). Автореф. дисс... докт. истор. наук. – М.: МГУ, 1989. – С. 40.

⁵² Аскарлов А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // ОНУ., 1997. – № 3. – С. 65-76; Ширинов Т.Ш. Средняя Азия во II тысячелетии до н.э. и протозороазмизм // ИМКУ. – Самарканд, 2000. Вып.3. – С. 35-48; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши... – Б. 21-23.

⁵³ Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юга Средней Азии... – С. 40-41.

⁵⁴ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. Т.1. – Душанбе, 1998. – С. 240-241; История государственности Узбекистана. Т.1 / Ответ. ред. Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – С. 61-88.

⁵⁵ Duncker M. Geschichte des Alterthums. – Leipzig, 1867. Bd. IV. – S. 15-18; Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. – Erlangen, 1882. Vol. 66. – 520 s.; Reisch E. Baktrionoi / Paulys Real-Encyclopedie. – Stuttgart, 1896. Bd. II; Tomashchek W. Baktra, Baktriane, Baktrianoi / Paulys Real Encyclopedie der Classischen Altertumswissenschaft. – Stuttgart, 1896, Bd. II. – S. 2804-2813; Prašek J.D. Geschichte der Meder und Perser bis zur makedonische Eroberung. – Gotha, 1906. Bd. IV. – S. 50-54.

⁵⁶ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. – М., 1954. Т. 19. – С. 121-140; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. – М.-Л., 1959. – № 73. – С. 123-135; Лившиц В.А. Древнейшие государственные объединения // История таджикского народа. Т. 1. – М., 1963. – С. 148-151.

⁵⁷ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 31-47.

Ў.И. Абдуллаевнинг ишида кўриб чиқилган⁵⁸.

Шимолий Афғонистон ҳудудида Даштли маданиятини ўрганган В.И. Сарианидининг фикрига кўра, Бактрияда бронза даврида шаҳар маданиятининг ривожланиши илк давлатчиликнинг пайдо бўлишига олиб келган⁵⁹. Бироқ бунда бронза даври технологик кашфиётлари ва ихтисослашган ҳунармандчилик соҳаларининг аҳамияти етарлича баҳоланмаган.

Жаркўтон жамоаларининг турли ижтимоий гуруҳларга ажралганлигини кўрсатувчи сарой, эътиқод маркази – ибодатхона, ҳукмдорлар саройи жойлашган қалъанинг мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги, аҳолисининг ҳунармандчилик ва меъморчилик соҳаларида эришган ютуқларини инобатга олиб А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновлар Жаркўтон ёдгорлигини илк шаҳарлар тоифасига киритганлар⁶⁰.

Бронза даврига оид йирик ёдгорликларни айрим тадқиқотчилар “бронза даврининг урбанизациялашган аҳоли масканлари” деб таърифлашган бўлса⁶¹, бошқалари шаҳармонанд (протогород) деб атайдилар⁶². Илк темир даври шаҳарларини таърифлашда Э.В. Ртвеладзе уларни “шаклланаётган шаҳарлар” тоифасига киритган⁶³. Бунда шаҳарларнинг ташқи белгилари, эгаллаб олинган умумий майдони (катта-кичиклиги), мудофаа тизимининг мавжудлиги ҳисобга олинган.

Тадқиқотда Б.Ж. Эшов, Ш.Б. Шайдуллаев, Ў.И. Абдуллаев ва А.А. Ҳакимовларнинг илк давлатчилик ҳамда шаҳарсозлик маданиятига оид илмий қарашлари таҳлил қилинган⁶⁴.

XXI аср бошларида Жаркўтон – Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар-давлат сифатида таърифланди ва унинг бошқарув тизимида “жамоа сардорлари” – ҳукмдор ҳамда қоҳинлар ижтимоий гуруҳларга ажратилди⁶⁵. Бироқ қадимги Бактрияда бронза даврида илк давлатчилик ва цивилизациянинг ташқи миграциялар натижасида вужудга келишининг хусусиятлари етарлича очиқ берилмаган. Шунингдек, ушбу давр Марғиёна-Бактрияда ибодатхона ва сарой хўжаликларининг пайдо бўлиши ҳамда илк темир даври Бактрияда конфедерация бирлашмаси шаклида давлатнинг ривожланиши

⁵⁸ Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Akademiya, 2009. – Б. 43-81.

⁵⁹ Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана... – С. 151-155.

⁶⁰ Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы... – С. 132-143.

⁶¹ Ртвеладзе Э.В. Формирование городов в Северной Бактрии – Тохаристане... – С. 97.

⁶² Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город (местные традиции и иноземные модели) // Древний Восток. Города и торговля (III–I тыс. до н.э.). – Ереван: АН АрмССР, 1973. – С. 99-125.

⁶³ Ртвеладзе Э.В. Кўрсатилган асар.

⁶⁴ Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс... доктор.ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз, 2008. – С. 42; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари докт. дисс... автореферати. – Самарқанд: ЎзФА Археология институти, 2009. – Б. 21-24; Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент: Lesson press, 2019. – 279 б.; Ҳакимов А.А. Ўрта Осиёда бронза-илк темир даври урбанизация жараёнлари тарихшунослиги (XIX аср охири – XXI аср бошлари). Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2020. – 27 б.

⁶⁵ Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари докт. дисс... автореферати. – Самарқанд: ЎзФА Археология институти, 2009. – Б. 21-24.

каби қарашларни⁶⁶ инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертацияда аввалги йилларда қўлланилган ёндашувларга нисбатан, XXI аср бошларида, илмий қарашларнинг ўзгаришини тан олган ҳолда, шу билан бирга айрим масалалар муаммоли қолиб, ўз ечимини етарли даражада топмаганлиги қайд этилган. Мисол тариқасида Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври шаҳарларининг тадрижий ривожланиши, уларнинг тузилишида анъаналар ва янгиликларнинг ўрни, жамиятда харбий функциялар масаласи, тарихий жараёнлар ўзгаришининг шаҳарлар тарихига таъсири даражаси каби муаммолар уқтириб ўтилган.

Мазкур бобнинг “*Иқтисодий-маданий алоқалар таҳлили натижалари*” деб номланган учинчи параграфида Жанубий Ўзбекистоннинг бронза ва илк темир даври иқтисодий-маданий алоқалари мавзусининг ёритилиши ҳолатлари мавжуд маълумотларга таянган ҳолда очиб берилган⁶⁷.

Диссертацияда ўтроқ деҳқончилик аҳоли ва дашт чорвадор қабилалари ўртасида ҳамда Сополли маданиятининг Қадимги Шарқ цивилизациялари билан алоқалари масаласи хорижий тадқиқотчилар мақолаларида ўз аксини топганлиги таъкидланган⁶⁸. Бунда трансминтақавий иқтисодий алоқаларни йўлга қўйилиши, узоқ масофадаги савдо-сотикнинг ривожланиши ҳақида фикр-мулоҳазаларни қайд этиш жоиз. Жумладан, Бактрия ҳудудида Шўртўқай ёдгорлигининг ўрганилиши, археологик материаллар асосида Ҳинд воҳаси ва Бактрия ўртасидаги маданий алоқалар мавзусининг ёритилишига асос бўлиб хизмат қилган⁶⁹.

Тадқиқотда бу масалага оид ички ва ташқи алоқаларнинг муҳим жиҳатлари очиб берилган, Қадимги Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий-маданий муносабатларнинг тарихига оид билимларнинг мазмун моҳияти ёритилган.

⁶⁶ Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент: Lesson press, 2019. – Б. 194-198, 262-264.

⁶⁷ Аскарлов А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном // Древние культуры Средней Азии и Индии. – Л.: Наука, 1984. – С. 87-97; Сагдуллаев А.С. К эволюции древнейших путей на юге Средней Азии // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 6-17; Ширинов Т.Ш. Связи Средней Азии и Индийского субконтинента во II тысячелетии до н.э. // Индия и Центральная Азия. – Ташкент: Б.И., 2000. – С.117-118; Мавлонов Ў.М., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия, 2004. – Б. 8-12; Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: Б.И., 2005. – С. 37-38; Эшов Б.Ж. Қадимги ва ўрта асрлар йўлларининг давлатчилик ва шаҳарлар ривожига аҳамияти. – Тошкент: Mumtoz s'oz, 2010. – Б. 132-142; Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданиятининг глиптикаси ва сфрагистикаси. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2018. – 18 б.; Шайдуллаева Г.Ш. Окс ва Ҳараппа цивилизацияларининг маданий алоқалари. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2021. – 25 б.

⁶⁸ Lamberg-Karlovsky C.C. The Bronze Age of Bactria // Bactria. An Ancient Oasis Civilizations. – Roma-Venezia, 1989. – P. 17-32; Amiet P. Elam and Bactria // Bactria. An Ancient Oasis Civilizations. – Roma-Venezia, 1989. – P. 137-138; Tosi M. The Origins of Early Bactrian Civilization // Bactria. An Ancient Oasis Civilizations. – Roma-Venezia, 1989. – P. 69-71; Lionet B. Contributions resentes de la ceramologie a l'histoire de l'Afganistan // Art Asiatiques, 1985. T. XL. – P. 41-52; Hiebert F.T. Bronze Age Interaction Between the Eurasian Steppe and Central Asia // Ancient Interactions: East and West in Eurasia. – Cambridge, 2002. – P. 237-248. 2018; Френец Д. Торговля слоновой костью из бивней Азиатского слона и производство предметов из нее в эпоху бронзы в Средней Азии. Свидетельства из Гонур-депе (Маргиана, Туркменистан) // Труды Маргианской археологической экспедиции. – М., 2018. Том 7. – С. 106-133.

⁶⁹ Francfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. – Paris: Boccard, 1989. Vol. I.II.

Бронза даврига нисбатан Сурхон воҳасининг илк темир даври иқтисодий-маданий алоқалари муаммолари етарли даражада ёритилмаган. Бу масала, асосан, Кучук I, II, Қизил I, II археологик мажмуаларининг келиб чиқиши ва ёйилиши муаммолари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган⁷⁰. Шу билан бирга, Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида алоқа – савдо йўлларининг кенгайиши ва иқтисодий-маданий муносабатларнинг янги асосларда ривожланиши қайд этилган⁷¹. Ушбу масала Бактрия, Марғиёна, Суғд, Чоч ва Фарғона археологик материалларини қиёслаш натижасида таҳлил қилинган⁷².

Тадқиқотнинг учинчи боби хулосасида Сурхон воҳасида қадимги деҳқончилик маданияти, илк давлатчилик ва шаҳарлар тарихини янги илмий-назарий асосларда ўрганилиши натижасида, Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг даврлаштириш, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши сабаблари ва омиллари муаммоларига доир қарашлар ҳамда ёндашувларнинг ўзгариши ва уларнинг илмий адабиётларда эътироф этилиши қайд этилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври (мил. авв. III – I мингйилликларнинг ўрталари) археологик ёдгорликларининг ўрганилиши Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларига нисбатан кечроқ, XX асрнинг 60-70-йилларида бошланганлиги туфайли кўлга киритилган янги маълумотларни ўрганиш жараёнида минтақа археологиясида маълум бўлган бронза ва илк темир даврига оид ўхшаш тарихий-маданий мажмуаларнинг талқини ва бу борада тарихшунослик тадқиқотларида мавжуд фикр-хулосалар ҳамда илмий қарашлар инобатга олинган. Шу асосда воҳада аниқланган археологик материалларнинг хронологияси, деҳқончилик маданиятининг даврлаштириш масаласи кўриб чиқилган ҳамда хунармандчилик, меъморчилик соҳаларидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланган. Натижада Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даври археологияси йўналишлари вужудга келиб, тарихий-маданий жараёнлар ривожланишига доир илмий қарашлар шаклланган.

2. Бронза даврига оид Сополлитепа ва Жарқўтон, дастлаб Қадимги Шарқ маданиятлари тизимида цивилизациянинг илк кўринишларини ўзида акс эттирган ёдгорликлар сифатида талқин қилинган. Бундай ёндашув бронза даври ёдгорликларини етарлича ўрганилмагани боис юзага келган.

⁷⁰ Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: Фан, 1979; Аскарлов А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа // Этнография и археология Средней Азии. – Москва: Наука, 1979. – С. 34-37.

⁷¹ Сагдуллаев А.С. К эволюции древнейших путей на юге Средней Азии // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 6-17.

⁷² Сагдуллаев А.С. О культурных связях Северной Бактрии с областью Чача до середины I до н.э. // Тр. ТашГУ. – Ташкент, 1983. – № 707. – С. 3-9; ўша муаллиф. Маргиана и Бактрия. Исторические традиции и культурные связи в доантичную эпоху // Древний Мерв. Тр. ЮТАКЭ. – Ашхабад: Ёлым, 1989. Т. XIX. – С. 11-20.

XX асрнинг 70-йилларининг ўрталари – 80-йилларда Жарқўтонда олиб борилган тадқиқотлар мазкур ёдгорликлар тўғрисида хулосаларнинг ўзгаришига асос бўлган. Аммо ўша йилларда Жанубий Ўзбекистоннинг Қадимги Шарқ деҳқончилик маданияти тизимидаги ўрни ва аҳамияти масаласи тарихшунослик нуқтаи назардан етарли даражада таҳлил қилинмаган. Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг ўрганилиши натижалари махсус илмий тадқиқот мавзусига айланмаган.

3. Мазкур даврда мавзу бўйича илмий ахборот доирасининг кенгайиб бориши ва билимларнинг ривожланишида натижасида қадимги Жанубий Ўзбекистонда ўтроқ жамоаларнинг ҳудудий ҳамда ижтимоий-иқтисодий тузилиши, бронза даврида махсус бинокорлик соҳаси ва ҳунармандчилик ишлаб чиқарилиши, ҳудудий кўшниччилик жамоалари, хусусий мулк ва ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган катта патриархал оилаларнинг мавжудлиги, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан айирбошланишнинг ички ва ташқи ҳудудий доирасида кенг йўлга қўйилиши ҳақидаги янги ёндашувлар ҳамда илмий қарашлар тарих фанида катта аҳамиятга эга бўлди.

4. Илк темир даврида камондан ўқ отиш учун мўлжалланган буржларга эга мудофаа деворлари, кенг ва чуқур хандақ билан ўралган Қизилтепа каби марказларнинг шаклланиши ҳамда алоҳида жойлашган ҳарбий истехкомлар (Талашкан, Бандихон 2) тўғрисида долзарб маълумотларнинг фанга татбиқ этилиши ҳамда мил. авв. VII-VI асрларга оид қадимги Бақтрия деҳқончилик уй-қўрғонлари (Қизилча 1,6) мисолида оила ва жамоа ижтимоий уюшмасини “Авесто”да тасвирланган жамият билан илк бор қиёслаш, маданий-хўжалик туман-воҳалари ва Бақтрия тарихий-маданий бирлигининг ривожланишига доир янги масалалар кўриб чиқилган ҳамда умумлаштирилган. Шу тариқа Жанубий Ўзбекистонда ҳарбий иш ва мудофаа иншоотлари тарихи, қадимги давр ижтимоий-иқтисодий муаммоларини янги асосларда кенгроқ ўрганиш, баҳсли масалаларни қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш зарурати вужудга келди.

5. Ўтган асрнинг 70-80-йиллари археологик маълумотлари асосида бронза ва илк темир даври ўтроқ деҳқончилик жамоаларнинг тарихини очиб бериш жараёнида ижтимоий ҳамда иқтисодий омилларга катта аҳамият берилган, булар жумласига қадимги жамиятда ортикча маҳсулотнинг пайдо бўлиши ҳамда мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш даражасини аниқлаш вазифалари кирган. Уларни ҳал қилишда археологик маълумотларни тарихий жиҳатдан талқин қилиш усулидан фойдаланилган. Аммо шу усулнинг имкониятлари формацияли ёндашув тан олинган ҳолда ва маълум даражада тарихий ривожланишнинг бирёклама баҳолаш устунлиги шароитида анча чекланган эди.

6. XX асрнинг 90-йиллари – XXI аср бошлари адабиётларида Сурхон воҳаси бронза даври илк давлатчилик тизими ва шаҳарларнинг тарихини кўриб чиқиш, уларнинг пайдо бўлиши омиллари ва ривожланиш жиҳатларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этди. Аммо бу масалани ўрганишда воҳада Сополли маданиятининг вужудга келиши ва Жарқўтоннинг ривожланиши хусусиятларининг ёритилишида мил. авв. III минг йиллик

охирлари – II минг йиллик бошларида Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларига амалга оширилган ташқи миграциялар натижасида, мазкур ҳудудларни юқори даражада ривожланган давлатчилик ва бошқарув тизимидан хабардор бўлган аҳоли гуруҳлари томонидан ўзлаштирилганлиги жиҳатлари дастлаб етарлича очиб берилмаган.

Жарқўтон ёдгорлиги “қадимги шаҳар-давлат” тушунчаси билан боғланиб ёритилган. Бронза даврида Жарқўтон Сурхон воҳасининг иқтисодий-маданий ва маъмурий-ҳудудий маркази бўлган. Бу даврда бошқарувни амалга оширган “хукмдор” ва “коҳин” каби олий ижтимоий табақаларнинг вужудга келишидан Жарқўтонда сарой ҳамда ибодатхонанинг мавжудлиги гувоҳлик беради. Шунингдек, ишлаб чиқаришда турли ижтимоий қатламларнинг ўрни ва аҳамият очиб берилган.

7. Жанубий Ўзбекистонда бронза ва илк темир даврига оид тадқиқотларнинг натижалари Ўрта Осиё тарих фанида мавжуд қарашлар ҳамда назарияларнинг ўзгаришига сабаб бўлиб, зироаткор аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий тузилиши жиҳатларини, қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик жамоалари ривожланиши хусусиятларини, моддий ва маънавий маданият даражасини янгича илмий-назарий асосларда талқин қилишга замин яратди.

8. Илмий маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бронза ва илк темир даври Сурхон воҳасида илк давлатчилик шакллари ҳамда бошқарув тизимининг такомиллашиб бориши, Ўзбекистонда цивилизация тараққиёти билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг турли омиллар таъсирида ўзгаришининг акс-садосидир. Бу борада кўп йиллар давомида тарих фанида анъанавий бўлиб келган айрим илмий назарияларни қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш, қадимги Ўзбекистон тарихининг мувофиқ бўлимларини янги асосларда ўрганишга хизмат қилди.

Ҳозирги давр тарих фани соҳасида фанлараро йўналишларни ривожлантириш, замонавий ахборот технологиялардан самарали фойдаланиш, археология маълумотларини тарихий реконструкция жараёнига кенгрок ишлатиш, илк давлатчилик ва цивилизация тарихини янгича талқин қилиш каби вазифалар муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар натижалари қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар**ни ишлаб чиқиш имконини берди:

Ўзбекистонда қадимги урбанизация жараёнлари ва давлатчилик тарихини даврлаштириш, бронза ва илк темир даври мудофаа иншоотлари, ибодатхоналар, турар жойлар қурилишининг ривожланиш босқичларига оид тадқиқотларни давом эттириш ҳамда замонавий технология усуллари асосида меъморий объектларни қайта тиклаш ва уларнинг илк шаҳарлар инфра-тузилмасидаги ўрнини янги маълумотлар асосида таҳлил қилиш, тарихий тушунчалар ва атамаларнинг ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш;

халқаро экспедициялар натижасида Жанубий Ўзбекистон бронза ва илк темир даврига оид янги ёдгорликларнинг очилиши ҳамда қўлга киритилган маълумотлар асосида хорижлик мутахассислар томонидан қўллаб мақола ва

монографияларининг нашр қилинаётганлигини ҳисобга олган ҳолда мавзунинг хорижий тарихшунослигини алоҳида тадқиқ этиш;
тадқиқот натижаларидан ўлкашунослик ва туризм соҳаларини ривожлантиришда, тарихий-маданий мазмунга эга музейларнинг янги экспозицияларини ташкиллаштиришда фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.Tar.56.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТОХИР ХУСАНОВИЧ НОРКОБИЛОВ

**ИСТОРИОГРАФИЯ ЭПОХИ БРОНЗЫ И РАННЕГО ЖЕЛЕЗА
ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА**

07.00.08 – Историография, источниковедение и методы исторического исследования

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам

Ташкент, 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.3.PhD/Tar73

Диссертация выполнена при Национальном Университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fati.uz) и на веб-странице Информационно-образовательного портала «ZIYONET» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Анатолий Сагдуллаевич Сагдуллаев**
доктор исторических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Алишер Худайбердиевич Дониёров**
доктор исторических наук, профессор

Дилмурод Рахматуллаевич Нормуродов
доктор философии (PhD) по историческим наукам

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится “09” сентября 2022 г. в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc 02/30.12.2019.Tar.56.01. по присуждению ученых степеней при Институте истории АН Республики Узбекистан (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Яхя Гулямова 70, 110-кабинет. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz Институт истории АН Республики Узбекистан).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии Наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41).

Автореферат диссертации разослан “26” августа 2022 г.
(Протокол реестра рассылки № 10 от “26” августа 2022 г.)

Азамат Зиё
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней,
доктор исторических наук, профессор

Х.С. Жуманазаров
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней,
доктор философии по историческим наукам (PhD)

Н.А. Аллаева
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор исторических наук, старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке сохранение историко-культурных памятников, обращение к урокам культурного диалога в развитии цивилизации и государственности приобретает актуальное значение с точки зрения историзма в восстановлении и налаживании связей между народами мира. В этом отношении эпоха бронзы и раннего железного века имеют важное значение в истории человечества, как этап развития межрегиональных отношений и широкого распространения культурно-экономических достижений.

В различных научно-исследовательских центрах мира проводятся научные изыскания по проблемам ранней государственности, градостроительства и архитектуры, ремесел и социально-экономического строя. В частности, научные исследования по определению своеобразных аспектов древней истории Южного Узбекистана, считающегося одним из центров центральноазиатской цивилизации, ведутся французскими, немецкими, узбекско-чешскими, узбекско-российскими международными археологическими экспедициями с помощью новых научных методов. Поэтому в настоящее время освещение роли этих исследований, своеобразия традиционных и новаторских подходов с историографической точки зрения имеет особую актуальность.

В годы независимости были осуществлены определенные работы по археологическому исследованию богатого прошлого и культурного наследия центров цивилизаций, сложившихся в Узбекистане с древнейших времен, и реконструкции исторических процессов. В особенности в последние годы выявляются новые памятники эпохи бронзы и раннего железа, в ходе исследования которых производится сбор большого количества сведений. Как известно, "... многовековое культурное и духовное наследие нашего региона имеет глобальное значение"¹. В свою очередь, анализ исследований, связанных с эпохой бронзы и раннего железа Южного Узбекистана, с историографической точки зрения, сопоставление научных сведений, определение динамики развития исторических знаний будет способствовать более глубокому пониманию масштаба и значимости вклада этой историко-культурной области в развитие цивилизации региона.

Данная диссертация в определенной степени, послужит реализации задач, обозначенных в Распоряжении президента Республики Узбекистан "О совершенствовании охраны и использования объектов материального культурного и археологического наследия" за № Р-5181 от 18 января 2018 года и Постановлении "О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере охраны объектов материального культурного наследия" за № ПП-4068 от 19 декабря 2018 года, Постановлении Кабинета Министров "О коренном совершенствовании археологических исследований" за № 792

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 75-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН / Народное слово. 2020. 24 сентября.

от 21 сентября 2019 года и других, относящихся к этой отрасли, нормативно-правовых документах, изучении, использовании и пропаганде историко-культурного наследия.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Методы формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы*. Исследования памятников эпохи бронзы и раннего железа на юге Узбекистана начались в 60-х годах XX века. В связи с расширением научной информации в результате археологических работ, необходимости их сравнения и интерпретации, тематика историографии нашла краткое отражение лишь в отдельных работах учёных, непосредственно организовывавших экспедиции и участвовавших в исследованиях, в частности А.А. Аскарова².

60-80-е годы XX века являются первым периодом археологического изучения древней истории и культуры Южного Узбекистана, когда наряду с характеристикой памятников эпохи бронзы и раннего железа, их топографии, стратиграфии, хронологии и периодизации археологических комплексов, проявилась динамика изменения научных тем и задач исследований.

В 70-80-е годы XX в. направления эпохи бронзы и раннего железа в археологии долины Сурхана получили отдельное развитие с точки зрения объектов и тематики исследований, а также выдвигаемых задач. Результаты широкомасштабных поисков и полевых исследований, проведенных на юге Узбекистана способствовали появлению новых научных взглядов и подходов в археологии эпохи бронзы и раннего железа Средней Азии. В связи с этим большое значение в изучении и решении различных научных вопросов имели работы исследовательских коллективов, сформировавшихся в составе археологических экспедиций долины Сурхана³.

В 1983 году в учебном пособии “Историография эпохи бронзы Средней Азии”, опубликованном М.Д. Джуракуловым и Н.А. Аванесовой, были

* В первой главе диссертации подробно представлен анализ исследований и исторических знаний, развитие научных взглядов эпохи бронзы и раннего железа Южного Узбекистана.

² Аскарлов А.А. Сапаллитепа. – Ташкент: Фан, 1973. – 172 с.; он же. Бронзовый век Южного Узбекистана (к проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций): Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – М. Институт археологии АН СССР, 1976. – 44 с.; он же. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – 231 с.

³ Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа: Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Л.: ЛОИА АН СССР, 1978. – 17 с.; Аскарлов А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: Фан, 1979. – 111 с.; Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Ташкент: Фан, 1983. – 120 с.; Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана: Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд, 1987. – 19 с.; Ширинов Т. Орудия производства и оружие эпохи бронзы Среднеазиатского Междуречья (по данным экспериментально-трассологического изучения). Т., 1986; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – 110 с.; Ионесов В.И. Становление и развитие раннеклассовых отношений в оседлоземледельческом обществе Северной Бактрии: Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1990. – С. 8-11.

проанализированы основные этапы изучения истории эпохи бронзы Средней Азии с конца XIX века до 70-х годов XX века, а также процессы накопления знаний по истории данного периода и развития научных взглядов в области изучения бронзового века⁴.

В 90-е годы прошлого столетия и в начале XXI века, в результате использования в археологической науке современных технологий и географической информативной системы, появилась возможность расширения базы научных данных и их интерпретации на новой основе. Вместе с тем приходила смена методов и направлений исторического исследования. Собственно, в это время были осуществлены совместные исследования ученых Узбекистана и зарубежных стран.

В этом плане статья “Некоторые аспекты изучения памятников эпохи бронзы и раннего железа долины Сурхана в период независимости”, опубликованная в 2015 году, посвящена результатам исследований международных экспедиций, проведенных в долине. В ней раскрываются основные результаты этих исследований и отмечается, что изучение археологии эпохи бронзы и раннего железа долины Сурхан поднялось на международный уровень⁵.

Однако обобщающая работа, посвященная историографии эпохи бронзы и раннего железа Южного Узбекистана, до настоящего времени отсутствует. Эта тема в качестве отдельного научного исследования не изучена. В этом аспекте объективное изучение историографии эпохи бронзы и раннего железа долины Сурхана является одной из важных задач исторической науки, что определяется современными проблемами в изучении истории Узбекистана и состоянием исторических исследований⁶.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках фундаментального научного проекта Национального университета Узбекистана ОТ-Ф1-91 «Формирование в Центральной Азии историко-культурных областей и проблемы этнической географии» (2017-2020 гг.).

